

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 11 февраль, № 28 (6211) Чоршанба


## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Оқдарё туманида аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи агрофирмалар ташкил этиш бўйича амалий семинар бўлиб ўтди.*

### Тажриба алмашилди

Тадбирда вилоятдаги соҳага тааллуқли ташкилот ва идоралар, туман ҳамда шаҳар ҳокимликлари вакиллари, агрофирмалар раҳбарлари иштирок этди. Қатнашчилар дастлаб "Оқдарё агро ҳосил" агрофирмаси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Айтиш жоизки, айни пайтда ушбу тадбиркорлик тузилмаси аҳолига полиз ва сабзавот экинлари уруғи, дарахт кўчатлари етказиб бериш, хизмат кўрсатиш ҳамда аҳолидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилиш билан шуғулланади.

Амалий семинар давомида ҳар бир маҳаллада агрофирмалар ташкил этиш ва шу орқали замонавий хизмат кўрсатиш тизимини яратиш ҳақида тегишли тавсиялар берилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хорижлик харидорлар эътирофи

*Гулистон шаҳридаги "Мили Гулистон текстиль" қўшма корхонасининг экспорт салоҳияти йилдан-йилга ортиб бормоқда.*

Хусусан, ўтган йили мазкур ишлаб чиқариш субъекти томонидан хорижлик ҳамкорларга 6,8 миллион АҚШ доллариликдан зиёд калава ип етказиб берилди. Бунда сўнгги йилларда амалга оширилган қиймати 1 миллион 200 минг долларга тенг техник ва технологик янгиланишлар муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бирга, корхона қуввати ошиб, ойига 350 тонна пахта толасини қайта ишлаш имконияти яратилди.

— Маҳсулотимиз сифати хорижлик харидорлар томонидан юқори баҳоланаяпти, — дейди қўшма корхона директори ўринбосари Равшан Ғаниев. — Ўтган йили Тошкентда ўтказилган саноат ярмаркаларида бир нечта экспорт шартномалари тузишга эришганимиз бунга яққол мисол бўла олади.

Айни пайтда корхонада 450 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Интернет орқали ҳамкор топилди

*Олмалиқ шаҳрилик Эргашали Сулаймонов — ишбилармон ёшлардан бири. У ташкил этган "Яккатут ишлаб чиқариш" масъулияти чекланган жамиятида айни пайтда қурилиш ашёси — турли ўлчамдаги пўлат михлар тайёрланаяпти.*

— Дастлаб интернет ёрдамида хориждан ҳамкорлар топдим, — дейди ёш тадбиркор. — Керакли ускуна ва дастгоҳлар билан етарлича танишгач, бизнес лойиҳа ишлаб чиқдим.

Эргашалининг ушбу лойиҳаси банкнинг 32 миллион сўмлик имтиёзли кредити билан қўллаб-қувватлангач, хориж технологияси келтирилиб, ишга туширилди. Асосан, ёшлар меҳнат қилаётган кичик жамоа қисқа муддатда ички бозорга 10 тонна маҳсулот етказиб беришга эришди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Нур таратувчи бўёқлар

*Ғаллаорол туманидаги "Didosa paint" корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп бўлмасада, лекин бу ерда тайёрланаётган лок-бўёқ маҳсулотлари аллақачон харидорларини топиб улгурди.*

— Айни пайтда вилоятимиздан ташқари қўшни ҳудудлардан ҳам улгуржи буюртмалар келиб тушаяпти, — дейди корхона раҳбари Одил Мамиров. — Пардозлаш ашёлари Европанинг энг замонавий технологиялари ёрдамида ишлаб чиқарилаётгани учун ҳам мижозларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Эндиликда фосфорли бўёқлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш борасида изланишлар олиб бораяпмиз. Улар тунда ҳам ўзидан ёруғлик таратиб туради.

Дарвоқе, корхонада ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2013 йилдагига нисбатан 130 миллион сўм кўпайиб, 710 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йилда ушбу кўрсаткични 1 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилган.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

МУНОСАБАТ

*Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 4 февралдаги Фармонига мувофиқ, ҳукумат таркибида янги — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкил этилиши давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, жамиятнинг турли соҳаларида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини юксалтириш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.*

## Ахборот технологияларини ривожлантириш — устувор йўналиш

Мамлакатда ахборотлаштиришга масъул ва юқори ваколатларга эга давлат бошқаруви органининг шакллантирилиши ахборот технологиялари ҳамда коммуникация жабҳасида ягона давлат сиёсати юритилишини таъминлашда янги ташкилий-ҳуқуқий имкониятларни яратиб беради.

Глобал тараққиёт шароитида ахборот технологиялари моҳиятини оширишнинг янада замонавий, инновацион усулларини излаб топиш, ахборотлаштириш жараёнига ҳар томонлама кўмаклашиш, уларни ҳаётга кенг жорий этиш давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда. Зеро, ахборотлаштириш тизимида давлат сиёсатини олиб бориш масаласи стратегик аҳамиятга эга вазифадир. Шубҳасиз, давлат ва жамият бошқаруви, бизнес, фуқаролик жамияти коммуникациялари самарадорлиги ахборотлаштириш, замонавий ахборот технологияларининг ушбу соҳаларга кириб бориши даражаси билан узвий боғлиқ.

Мамлакатимиз истиқлолни қўлга киритган давр фан-техника инқилобининг муҳим босқичига тўғри келди. Ўшанда компьютерларни кенг миқёсда ишлаб чиқаришнинг глобал тўлқини кузатилганди. Шунга ҳамоҳанг равишда юртимиз ўз мустақиллиги салоҳиятидан фойдаланган ҳолда, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг "ўзбек модели" тамойилларига асосланиб, даврнинг инновацион талабларига ҳар томонлама мос жавоб бера олди. Ўз навбатида, барқарор тараққиётнинг мустаҳкам асоси саналган миллий ахборот макони яратилди.

Президентимизнинг 2002 йил май ойидаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони юртимизда ахборотлаштириш соҳасини жадал ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## Участка сайлов комиссиялари шахсий таркиби тасдиқланди

*Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни тобора яқинлашмоқда. Унинг миллий қонунчилигимиз талабларига мувофиқ равишда, очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида ташкил этилишида участка сайлов комиссияларининг ўрни ва аҳамияти бениҳоя каттадир.*

САЙЛОВ — 2015

Шу боис сайловга тайёргарлик қизғин паллага кирган айни кунларда жойларда участка сайлов комиссиялари шахсий таркиби тасдиқланиб, улар зиммасидаги долзарб вазифалар белгилаб олинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 3-Бухоро округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида ҳам ушбу муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик жараёни билан боғлиқ долзарб масалалар кўриб чиқилди.

— Округимиз ҳудудидаги шаҳар ва туманларда жами 500 та сайлов участкаси тузилди, — деди мазкур округ сайлов комиссияси раиси М. Даминов. — Комиссиямиз ўз фаолиятини беш муҳим тамойил — мустақиллик, қонунийлик, адолатлилик, ошкоралик ва коллегиаллик устуворлигини таъминлаган ҳолда олиб бораяпти. Бугунги мажлис ҳам ана шу асосда ташкил этилиб, унда сайлов округи ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди. Айни чоғда фаолият самарадорлигини таъминлаш мақсадида округ сайлов комиссияси аъзоларини шаҳар ва туманларга бириктирдик. Қолаверса, Марказий сайлов комиссияси томонидан Тошкент шаҳрида ўтказилган семинар-тренингда кўрилган долзарб масалалар ҳамда уларнинг аҳамияти хусусида участка сайлов комиссиялари аъзоларига атрофлича маълумот берилди. Албатта, буларнинг барчаси сайловни қонун талабларига мувофиқ тарзда ташкил этиш ва ўтказишда айни муддаодир.

Йиғилиш якунида округ сайлов комиссияси томонидан журналистлар учун брифинг уюштирилиб, ОАВ вакилларига сайловга тайёргарликнинг бориши ҳақида ахборот берилди.

(Давоми 2-бетда).

## КЎРКАМ, СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ

*Болалар ҳар бир юртнинг ишончи, умиди, келажагидир. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб ёш авлодга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, уларни баркамол вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг учун барча шарт-шароит яратиб берилаяпти. Хусусан, ҳар йили замонавий таълим муассасалари, санъат ва маданият масканлари, спорт мажмуалари қад ростламоқда. Мавжудлари тубдан реконструкция қилиниб, янада кўркам қиёфа касб этаётир. Зарур қўлланмалар, ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер ҳамда мультимедиа воситалари билан таъминланаяпти.*

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН



Эътиборли жиҳати, бундай эзгу ишларга тадбиркорларимиз ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Жумладан, кимдир янги дам олиш масканлари, болалар майдончалари қураётган бўлса, яна бири хориж тилларини ўргатиш курсларини ташкил этаяпти. Бошқаси болалар учун кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бермоқда.

Тошкент вилоятида фаолият юритаётган "Toys-Plast" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги корхона эса бири-биридан ажойиб, экологик тоза ва фойдали ўйинчоқлар ишлаб чиқариб, кичкинтойлар қувончига қувонч қўшаётир. Айни пайтда ушбу корхона ассортиментида конструкторлар, алифбо панеллари, мантиқни ривожлантирувчи кубиклар, шунингдек, болалар аравачалари, митти машиналар ва бошқа шу каби 80 турдан зиёд маҳсулотлар ўрин олган.

— Илгари хориждан болалар ўйинчоқлари олиб келиш билан шуғулланардим, — дейди корхона раҳбари Акром Музаффаров. — Шу зайлда улар қандай тайёрланиши, хавфсизлиги, хом ашёси, технологияси билан тўлиқ танишдим, чет эл тажрибасини ўргандим. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати учун кўплаб имконият ва имтиёзлар тақдим этилди. Шунда "Нима учун ўзимизда шундай ўйинчоқлар ишлаб чиқармаслигимиз керак?" деган савол бериб, аниқ бизнес-режа асосида 2009 йилдан лойиҳа рўёбига киришдик.



(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига 46 кун қолди. Сиёсий партиялар томонидан Президентликка номзод кўрсатиш жараёни якунланмоқда.*

## ЎзХДП Марказий сайлов комиссиясига ҳужжатлар тақдим қилди

2015 йил 10 февраль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатган номзодини рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатлар тақдим қилди.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партия ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган тадбирда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ қонунда белгиланган муддатда партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатилди.

Партия вакиллари томонидан сиёсий партия раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига аризаси, сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари тақдим этилди.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ички ишлар, адлия органларининг мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлари имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширмоқда.

Таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссияси ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Мамлакатимизда якунланган йилда темир йўллар қуриш, уларни реконструкция қилиш ва электрлаштириш, шунингдек, темир йўл транспортини модернизациялаш бўйича лойиҳалар доирасида**

**630 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ ўзлаштирилди.**

Бу маблағ "Ангрен — Поп" электрлаштирилган темир йўл линияси қурилишини жадал суръатларда давом эттириш, мавжуд темир йўлларни қайта тиклаш, юк ва йўловчи ташиш вагонлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, Қарши темир йўл вокзалини реконструкция қилиш мақсадларига сарфланди.






## Сув насослари қуёш батареялари ёрдамида ишлайди

БМТ Тараққиёт дастурининг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни тежашга қаратилган лойиҳаси доирасида Кармана туманида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, соҳага муқобил энергия манбалари изчил татбиқ этилиши натижасида аҳолига ичимлик суви етказиб беришда фойдаланилаётган насослар қуёш батареялари қуввати билан ишлай бошлади.

# Участка сайлов комиссиялари шахсий таркиби тасдиқланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сирдарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёнининг ушбу муҳим босқичи — участка сайлов комиссияларини шакллантириш "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун талаблари асосида амалга оширилди. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида танланган номзодлар 8-Сирдарё округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида тасдиқланди ҳамда улар рўйхати эълон қилиш учун маҳаллий матбуотга тақдим этилди.

— Йиғилиш қарори билан тасдиқланган участка сайлов комиссиялари 2211 нафар аъзосининг аксарият қисми аввалги сайловларда тажриба орттирган, — деди округ сайлов комиссияси котиби Ғ. Юсупов. — Комиссиялар таркибини тасдиқлашда номзодларнинг мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ва уни қўллаш амалиёти бўйича кенг маълумотлар ҳамда кўникмаларга эга эканлигига ҳам эътибор қаратилди. Бундан ташқари, участка сайлов комиссияларининг аъзолари учун сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар бўйича семинарлар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида маҳаллий ва марказий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ҳамда бошқа тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, яқинда бўлиб ўтган матбуот анжуманида сайловга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги маълумотлар журналистлар эътиборига ҳавола этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида округ таркибида тузилган 872 та участка сайлов комиссиясининг 7848 нафар аъзосидан иборат шахсий таркиби қонунда белгиланган тартибда тасдиқланди.

Участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантиришда муносиб номзодларни танлашга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, уларнинг ёши, маълумоти, касби, фаолияти тури, бундай сиёсий кампанияларда орттирган тажрибаси инобатга олинди. Шу ўринда участка сайлов комиссиялари аъзоларининг 4280 нафари олий маълумотли, 3200 нафардан ортиғи эса хотин-қизлар эканлигини ҳам айтиш жоиз.

— Участка сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга масъул коллегиал орган ҳисобланади, — деди округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Х. Сувонов. — Шундан келиб чиққан ҳолда, қонунчилигимизга биноан, участка сайлов комиссиялари аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан танланди. Эндиги вазифамиз уларнинг мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ва уни қўллаш амалиёти ҳақидаги хабардорлик даражасини оширишдан иборат бўлиб, ҳар бир аъзонинг бу борадаги билимини мустаҳкамлаш чоралари белгиланди. Бунинг барчаси пировардида яқинлашиб келаётган мазкур сиёсий тадбирни юқори савияда ўтказишда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 12-Хоразм округ сайлов комиссиясининг йиғилишида халқ депутатлари шаҳар ва туманлар Кенгашларининг участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар юзасидан тавсиялари кўриб чиқилиб, комиссиялар аъзолари таркиби тасдиқланди.

— Сайлов участкалари аъзолари таркиби эл-юрт орасида ўз меҳнати, ибратли ҳаёт йўли билан ҳурмат ва эътибор қозонган, аввалги сайловларда катта тажриба тўплаган фуқаролардан иборат тартибда шакллантирилди, — деди округ сайлов комиссиясининг раиси А. Раҳимов. — Энди улар бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўз режаларини ишлаб чиқади. Шунингдек, ҳар бир комиссия аъзосига аниқ вазифалар юклатилади. Улар масъулиятли вазифаларни ўз вақтида уддалаши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Шунингдек, округ сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган участка сайлов комиссиялари таркиби ҳақидаги маълумотлар белгиланган тартибда маҳаллий матбуотда эълон қилинаяпти. Сайлов участкалари учун зарур бинолар ажратилиб, уларни жиҳозлар ҳамда ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

# Ахборот технологияларини ривожлантириш — устувор йўналиш

Унда нафақат мамлакатни ахборотлаштиришни янада равнақ топтиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди, балки мазкур соҳада махсус тузилган давлат бошқарувининг ваколатли органи — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ваколатлари ҳамда фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари аниқ кўрсатиб ўтилди. Бинобарин, кўплаб олимлар, таҳлилчилар томонидан мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши давлатнинг ахборотлаштириш сиёсати, унинг асосида олиб борилган изчил чора-тадбирлар самарадорлигининг яна бир тасдиғи сифатида эътироф этилди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, давлат ҳокимияти тизимида ахборотлаштириш тараққиётига масъул алоҳида орган тузилиши ва унга тегишли ваколатларнинг берилиши кенг тарқалган ҳамда муваффақиятли амалиётдир. Бундай тузилмалар АҚШ, Жанубий Корея, Австралия ва бошқа кўплаб давлатларда мавжуд бўлиб, самарали фаолият юритмоқда. Боиси, ахборотлаштириш комплекс ҳамда кўп тармоқли жараёндир. Шундай экан, давлат сектори, бизнес тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтларининг ахборотлаштириш даражасини ошириш, жамият ҳамда давлат қурилишининг барча соҳасига илғор ахборот технологияларини кенг жорий қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юқоридаги каби давлат органлари фаолиятининг энг асосий вазифалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ахборот соҳасини тараққий топтириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашни мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб берган. Давлатимиз раҳбари томонидан парламентга, ҳукуматга, жамоатчиликка қилинган мурожаатларда ахборотлаштиришни ривожлантириш муҳимлиги ва устуворлиги бир неча марта кўрсатиб ўтилган. Юртбошимиз хорижий мамлакатларга амалга оширадиган ташрифларида ҳам мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада равнақ топтириш, ахборот жабҳасига янги инвестициялар ҳамда илғор технологияларни кенг жалб этиш масалаларига катта эътибор қаратади. Буни ана шу ташрифлар давомида имзоланган кўп сонли ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди.

Айни чоғда юртимизда "электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш йўналишида ҳаётга татбиқ қилинаётган чора-тадбирлар доирасида ҳам ахборотлаштиришни ривожлантириш масалалари алоҳида ўрин тутади. Фуқароларга давлат интерактив хизматларини кенг тақдим этишни назарда тутувчи давлат бошқарувининг ушбу концепциясини рўёбга чиқариш давлатнинг турли органларига тегишли ахборот тизимлари ва ресурсларидан биргаликда фойдаланишга асосланади, ҳокимият ваколатлари ва ташкилий салоҳиятини ягона, яхлит, соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар муваффақиятига масъул бўлган органда жамлашни талаб этади.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ташкил этилиши давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ҳамда соҳаларида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини, "электрон ҳукумат" тизими ҳамда ахборот тизимларини жадал татбиқ этиш, телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш учун шароит яратади. Президент Фармонида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши ахборот соҳасидаги давлат сиёсати самарадорлигини оширади, фуқароларимизнинг давлат ахборот тизимлари ва ресурсларидан фойдаланиш шароитларини яхшилаш учун янги ташкилий-техник имкониятларни юзага келтиради.

Мухтасар айтганда, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкил қилиниши Ўзбекистоннинг чуқур ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлига содиқлигини, жамиятнинг барча соҳасини равнақ топтиришда замонавий ахборот технологиялари салоҳиятидан фойдаланишга интилишини намоён қилиб, муҳим сиёсий мазмун-моҳият касб этади.

**И. АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси.**

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент қуйи палатасининг яқинда ўтказиладиган мажлиси кун тартибидан ўрин олган масалалар, жумладан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2014 йилдаги фаолиятига оид ҳисоботи кўриб чиқилди.*

# Сиёсий партиялар фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, аҳолининг шикоятларини кўриб чиқиш ва ҳуқуқларини тиклашга катта эътибор қаратилди. Ўз навбатида, Омбудсман минтақавий вакилларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти сезиларли даражада кучайтирилди. Фуқароларнинг мурожаатларини жойида самарали ҳал этиш мақсадида вилоятлар прокуратура, ички ишлар, адлия органлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, касаба уюшмалари ва хотин-қизлар қўмиталари билан биргаликда эксперт ҳамда идоралараро ишчи гуруҳлари тузилди.

Омбудсман фаолияти инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, жумладан, қўмиталар, парламент қуйи палатаси ишида иштирок этиш, ўзаро ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш каби йўналишларни қамраб олди. ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари томонидан мамлакатимизда истиқлол йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилгани, лекин жойларда хўжалик субъектлари фаолиятига маъмурий жиҳатдан аралашувлар, уларнинг қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари ҳамон учраётганига тўхталиб ўтилди. Тадбиркорлар ва хусусий мулк эгалари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чоралар ҳамда кафолатлар қабул қилиниши муҳимлигига урғу берилди.

Фракция аъзолари ишбилармонлар, фермерлар, мулкдорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, жазоларни либераллаштириш, ҳуқуқий масалаларни ҳал этишнинг суддан ташқари шаклларини кенг жорий қилиш мақсадида юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини қўллаб-қувватлашини билдирдилар. Зеро, ЎзЛиДеПнинг Сайловолди платформасида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг энг муҳим шарти бўлган судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш алоҳида белгилаб қўйилган.

— Биз жорий йилда Омбудсманни ишбилармонлик жабҳаси вакилларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларига риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш масаласига катта эътибор қаратишга чақирдик, — деди ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Ш. Бафаев. — Бу тадбиркорларнинг қайси ҳуқуқ ва эркинликлари бузилаётганини аниқлаш имконини беради. Айни чоғда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган кишиларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда тафаккурини юксалтириш бўйича ишларни давом эттириш лозим. Чунки бугун бизнес ижтимоий масъулият ҳамдир. Ишбилармон ўз бизнесини йўлга қўйиши ёки уни кенгайтириши асносида ишга қабул қилинаётган ходимлар олдида ижтимоий масъулияти борлигини тушуниши ва меҳнат қонунчилигида кўрсатиб ўтилган мажбуриятларни бажариши керак. Қолаверса, фракция йиғилишида қуйи палата қўмиталари билан Омбудсман ўртасидаги ҳамкорликни, жумладан, парламент назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишда ахборот алмашинувини кучайтириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Муҳокамалар якунида ЎзЛиДеП фракцияси томонидан партия дастури ва сайловчилари манфаатлари инобатга олинган ҳолда умумий позиция ишлаб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шу куни бўлиб ўтган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг йиғилишида ҳам парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқиладиган масалалар, жумладан, Омбудсманнинг 2014 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботи кўриб чиқилди.

Унда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар алоҳида қайд этилди. Фракция аъзолари томонидан инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, миллий қадриятлар руҳидаги қонунларни қабул қилиш, суд амалиётига халқимизга хос бўлган олижаноблик, инсонийлик ва бағрикенглик фазилатларини татбиқ этиш партиянинг устувор вазифаларидан эканлиги таъкидланди.

— Оилалар манфаатлари, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятида долзарб бўлиб қолаверади, — деди "Миллий тикланиш" ДП фракцияси аъзоси А. Умирзаков. — Президентимиз ташаббуси билан 2014 йил Соғлом бола йили деб эълон қилиниб, тегишли Давлат дастури асосида жисмонан соғлом, маънан етук авлодни вояга етказиш бўйича комплекс чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича мониторинг ўтказилганда, жойларда бу борада айрим камчиликлар мавжудлиги маълум бўлди.

Қайд этилганидек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан фуқаролар мурожаатларини таҳлил қилиш, мониторинг тадқиқотлари асосида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилади. Омбудсман бу борадаги камчиликларни аниқлаб, тегишли тавсиялар беради. Йиғилиш иштирокчилари фикрича, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш масаласида ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Депутатлар томонидан Омбудсман фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қатор таклифлар билдирилди.

Йиғилиш якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# КЎРКАМ, СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мутахассисларнинг фикрича, ўйинчоқлар — шақилдоқ, қўғирчоқ, самолётчалар ҳамда автомобилчалар вояга етаётган ўғил-қизларнинг сезги органлари, ҳаракат кўникмалари, фикрлаши, тафаккурини ривожлантириш, атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга тўғри муносабатини шакллантиришга хизмат қилади. Шу боис ўйинчоқларни танлашда нафақат уларнинг хавфсизлиги, балки фойдалилигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш муҳим.

"Toys-Plast" масъулияти чекланган жамияти шу жиҳатларни ўз фаолиятининг асосий тамойилларига айлантирган. Бу мақсадларни рўёбга чиқаришда замонавий жиҳозлар олиб келиб ўрнатилгани, сифат менежменти тизими жорий этилгани айни муддао бўлди.

Корхона маҳсулотлари учун қўлланилаётган хом ашёлар ўзимиздан — Шўртан газ-кимё мажмуасидан олиб келинадиган полиэтилен гранулалари. Пировардида қисқа вақт ичида ўйинчоқлар юқори сифати, арзонлиги билан маҳаллий истеъмолчилар орасида ном қозонди.




Айниқса, ота-оналарнинг катта эътирофига сазовор бўлди.

Жамоада элликка яқин ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларидир.

— Ўқиб юрган пайтларимда ушбу замонавий корхона ёнидан кўп ўтардим, — дейди Наима Турсунова. — Ўшанда юк машиналарига турли тайёр ўйинчоқлар ортилаётганини катта қизиқиш билан кузатардим. Қарангки, ўқишни тугатибоқ, шу жойда иш бошладим. Ҳар гал корхонамиз остонасини ҳатлаб ўтганимда, очиғи, ўзимни эртаклар оламига тушиб қолгандек ҳис қиламан. Бундан ташқари, уйимдагиларга яқиндан кўмак бериб, оила бюджетига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фахрланаман.

"Интилганга толе ёр" деганларидек, "Toys-Plast"да экспорт амалиётлари ҳам муваффақиятли бажарилмоқда. Маҳсулотлар МДҲнинг деярли барча мамлакатларига чиқарилаяпти.

Яқинда хориждан яна бир хушхабар келди. Корхона брендидаги ўйинчоқларнинг дастлабки намуналарини Бирлашган Араб Амирликларига жўнатиш бўйича шартнома имзоланди. Демак, ҳадемай, ушбу мамлакатда ҳам "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи туширилган кўркам, сифатли ва жозибадор маҳсулотлар харидорлар томонидан харид қилина бошланади.

**М. ҚОСИМОВ.**
Ҳ. ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Қисқа сатрларда

● **"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгашининг 2014 йил якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган йиғилиши ўтказилди. Унда ёшлар ташкилоти томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар самараси эътироф этилди.**

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб "Зулфиядан таралар зиё" мавзуида адабий кеча бўлиб ўтди. Тадбирда ёшлик, баҳор ва муҳаббат туйғусини юксак пардаларда тараннум этган ижодкорнинг ибратли ҳаёти, адабий мероси ҳақида сўз юритилди.

● **"Ўзбектелеком" акциядорлик жамиятининг Навоий вилояти филиали Навоий информатика ва электрон саноат касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорликда "Коллеждан — корхонага" лойиҳасини амалга оширмоқда. Унда ёшлар дарс жараёнида ўрганган билимларини амалиётда қўллаши билан бирга, ишга жойлашиш имкониятига ҳам эга бўлаяптилар.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## 14 ФЕВРАЛЬ — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

# Эзгулик куйчиси

*Улуғ бобокалонларимизнинг бебаҳо маънавий мероси асрлар ўтса ҳамки, умумбашарий қадриятлар тараннуми, комиллик ва етуклик фалсафаси билан маънавиятимиз ривожига хизмат қилиб келмоқда. Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур аждодларимизнинг шахсияти, шеърий, насрий ҳамда илмий асарлари бутун дунёда катта қизиқиш билан ўрганилиб, чуқур тадқиқ қилинаётганлиги барчамизда фахру ифтихор ҳиссини уйғотади.*

Кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтган давра суҳбатида ҳам шу хусусда сўз юритилди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 532 йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбир аллома ижодининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрнига бағишланди. Унда адабиётшунос олимлар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар қатнашди.

Таъкидланганидек, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асарлари инсон тафаккурини бойитишда бемисл таъсир кучига эга. Шу боис улуғ сиймонинг ижодий меросини бугунги кунда Япония, Германия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш сингари давлатлардаги тадқиқотчилар қунт билан ўрганмоқдалар.

Жаҳондаги кўплаб мамлакатларда буюк ватандошимиз шахсияти, ҳаёти ва ижоди, давлатчилик тарихидаги фаолиятига бағишланган илмий асарлар, қиссаю романлар, бадиий фильмлар яратилди, музейлар барпо қилинди ва бу йўналишдаги эзгу юмушлар айни пайтда ҳам изчиллик билан давом эттирилаяпти.

Тадбир давомида "Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси" китобининг тақдимоти ҳам ўтказилди. 744 саҳифадан иборат ушбу китоб 2014 йилда Бобур номидаги халқаро жамоатчилик жамғармаси кўмагида юртимиз ва хорижлик олимларни жалб қилган ҳолда, бир гуруҳ бобуршунос олимлар томонидан тузилиб, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Унда Бобур асарларида тилга олинган ҳамда унинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ сўзлар, иборалар, ҳодисалар, шахсларга изоҳ берилган.

Шу куни Миллий кутубхонанинг "Истиқбол" номли залида "Андадур жони Бобурнинг..." деб номланган китоб-расмли кўргазма очилди. Ундан Бобур ва Бобурийлар ҳаёти ҳамда ижодига дахлдор адабиётлар ўрин олган. Фойдаланувчилар кўргазмага тақдим этилган китоблардан ташқари, турли йилларда бобокалонимиз таваллудига атаб чоп этилган газеталардаги мақолалар билан ҳам танишишлари мумкин.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



ЖИЗЗАХ: Ҳунармандларимиз қўлида сайқал топган гиламлар асрлар оша ўзининг ёрқин жилоси, бетакрор нақшлари ҳамда юқори сифати билан дунё аҳлининг эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Чили тоғларида бир гуруҳ альпинистлар бундан 54 йил аввал ҳалокатга учраган самолёт қолдиқларини топиб олишди.*

# 54 йилдан сўнг топилди



Манбада айтилишича, "Дуглас Ди-Си-3" русумидаги ушбу ҳаво лайнери маҳаллий "ЛАН" авиакомпаниясига тегишли бўлиб, 1961 йилнинг 3 апрелида қулаган эди. Афсуски, ўша вақтдаги қидирув-қутқарув ишлари бесамар кетган. Фожиа оқибатида самолёт бортидаги 24 йўловчи, жумладан, "Грин кросс" футбол жамоасининг саккиз нафар аъзоси ҳаётдан кўз юмгани маълум қилинган.

Ҳозир лайнер қолдиқлари 3,2 минг метр баландликда турибди. Эҳтиёт чораси сифатида унинг аниқ манзили сир сақланмоқда.

# Меҳнат бозорида ижобий кўрсаткич

*Жорий йил АҚШ меҳнат бозори экспертлар кутганидан-да яхши бошланди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

Гап шундаки, 2014 йилнинг сўнгги чорагида мамлакатда ялпи ички маҳсулот ўсиши суръати бирданига сусайган эди. Шундан келиб чиқиб, таҳлилчилар бу ҳолат бандликка салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини тахмин қилишганди. Аммо амалда бунинг акси бўлди. Яъни январь ойида 257 мингта иш ўрни яратилди.

АҚШ меҳнат бозоридаги вазиятнинг ўнгланишида хусусий сектор алоҳида аҳамият касб этаяпти.

# Маблағни тежаб қолмоқчи

*Германиянинг "Siemens" концерни мавжуд иш ўринлари сонини 7800 тага қисқартиришини маълум қилди.*



Бунга йирик саноат корхонасининг даромадлари ҳажми тушиб кетаётгани сабаб сифатида кўрсатилмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг сўнгги чорагида унинг соф фойдаси 25 фоиз камайган.

Айни пайтда "Siemens"да дунё бўйича 340 минг нафардан ортиқ ходим меҳнат қилади. Штат жадвалидаги икки фоизлик қисқартириш ҳисобига келгуси икки йил ичида концерн 1 миллиард евро миқдоридаги маблағни тежаб қолмоқчи.

# Тадқиқотчилар хулосаси

*Буюк британиялик олимлар гриппдан сақланиш учун қабул қилинадиган замонавий вакциналар деярли фойда бермайди, деган фикрни илгари суришаяпти.*



Чунки ҳозирги вируслар амалда қўлланилаётган эмлаш воситаларига нисбатан кучли. Мутахассислар ушбу йўналишда ўтган йили мамлакат ҳудудида тадқиқот олиб боришган эди. Таъкидланишича, бундай вакциналар аҳолининг атиги 3 фоизида ижобий таъсирини кўрсатиши мумкин. Бу жуда кам. Аслида эмлаш самарадорлиги камида 50 фоизни ташкил этиши лозим. Шундагина уни амалга ошириш мантиқан тўғри бўлади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

## ИСЛОҲОТ

*Бугун давлатимиз томонидан иқтисодиётнинг муҳим бўғини — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани жойларда ишлаб чиқариш тармоқларининг изчил ривожи ҳамда янги иш ўринлари яратилишига асос бўлаётир.*

# Кичик бизнес: Эътибор ва рағбат — муваффақият омили

Бинобарин, соҳа вакиллари томонидан рўёбга чиқарилаётган истиқболли лойиҳалар ички бозорни импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида, юртимиз экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Хусусан, Президентимиз мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, ўтган йили республикамизда 500 дан зиёд янги корхона, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилди. Ташқи савдо балансидаги ижобий сальдо 180 миллион долларни ташкил қилди.

Табиийки, бундай муваффақиятлар салмоғи ортишида Юртбошимизнинг 2013 йил 8 августдаги қарори асосида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ўрни ва ҳиссаси катта бўлмоқда. Чунончи, Жамғарманинг Тошкент вилояти филиали томонидан ўтган йили жами 350 та кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектига қурилиш, тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳамда туризм, транспорт, маркетинг, консалтинг хизматларини экспорт қилиши учун ташкилий, ҳуқуқий, консультатив ва молиявий ёрдам кўрсатилди. Бунинг натижасида чет эллик буюртмачилар билан умумий қиймати 263,5 миллион АҚШ долларилик шартномалар тузилиб, 145,9 миллион долларлик ташқи савдо амаллари бажарилди.

Албатта, тарғибот ва ташвиқот тадбирлари — ислоҳотлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказишнинг таъсирчан воситаси. Шундан келиб чиқиб, филиалимиз мутасаддилари пойтахт вилоятининг барча шаҳар ва туманида маҳаллий ишбилармонлар иштирокида давра суҳбатлари, семинар ҳамда учрашувлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Уларда Жамғармамиз томонидан кўрсатиладиган хизматлар, соҳа вакиллари учун яратилаётган имконият ва имтиёзлар, чет давлатларда ўтказилиши режалаштирилаётган кўргазма ҳамда ярмаркалар ҳақида батафсил маълумотлар бериб борилаяпти. Масалан, ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, вилоятда фаолият юритаётган 20 нафарга яқин тадбиркорлар хорижда бўлиб ўтадиган кўргазмаларда иштирок этишга қизиқиш билдиришган. Оҳангарон туманидан "Покизахон", Янгийўл туманидан "Фортуна элегант" ва "Мастер глобал плюс", Пискент туманидан "Азалея гармент" масъулияти чекланган жамиятлари шулар жумласидандир. Шунингдек, тадбиркорларнинг ўз маҳсулотларини экспорт қилишга доир тижорат таклифларини мунтазам равишда электрон савдо тармоқларига жойлаштириб бораяпмиз.

Эътибор ва рағбат — ҳар қандай соҳа ривожини таъминловчи муҳим омил. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақида бунга эҳтиёж катта. Шундан келиб чиқиб, соҳа вакиллари олдида ғов бўлаётган турли муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш, уларнинг ишлаб чиқариш ҳамда экспорт имкониятларини кенгайтиришни фаолиятимизнинг устувор мезонига айлантирганмиз. Зеро, бугун мамлакатимизда иш олиб бораётган ҳар қандай корхона ёки тадбиркорлик тузилмаси ўзининг сифатли, рақобатбардош маҳсулот ва хизматлари билан жаҳон бозорига чиқиш имкониятига эга. Бунинг учун эса интилиш ва иштиёқ бўлса, кифоя.

**Б. АЛИБЕКОВ,**
**Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Тошкент вилояти филиали директори.**

Реклама ўрнида

Реклама ва эълонлар

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Тошкент шаҳар филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига «Sovplastital» АЖ кузатув кенгашининг 2014 йил 28 майдаги 14-сонли баённомаси ва 2014 йил 16 сентябрдаги 121/пр-сонли буйруғи ҳамда 2015 йил 5 февралдаги АМ-01/70-сонли буюртманомасига асосан, «Sovplastital» АЖга тегишли, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Охунбобоев кўчасида жойлашган, ер майдони 48,40 кв.м., қурилиш майдони 36,88 кв.м. бўлган дўкон (дорихона) биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 35 803 457 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 2 март куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 27 февраль куни соат 18.00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2015 йил 2 март куни сотилмаган тақдирда, унинг такрорий савдолари 2015 йил 16, 30 март, 13, 27 апрель, 11, 25 май, 8, 22 июнь, 6, 20 июль, 3, 17, 31 август, 15, 29 сентябрь кунлари соат 12.00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш:

- 16 мартдаги савдо учун — 13 март куни соат 18.00;
- 30 мартдаги савдо учун — 27 март куни соат 18.00;
- 13 апрелдаги савдо учун — 10 апрель куни соат 18.00;
- 27 апрелдаги савдо учун — 24 апрель куни соат 18.00;
- 11 майдаги савдо учун — 8 май куни соат 18.00;
- 25 майдаги савдо учун — 22 май куни соат 18.00;
- 8 июндаги савдо учун — 5 июнь куни соат 18.00;
- 22 июндаги савдо учун — 19 июнь куни соат 18.00;
- 6 июлдаги савдо учун — 3 июль куни соат 18.00;
- 20 июлдаги савдо учун — 17 июль куни соат 18.00;
- 3 августдаги савдо учун — 31 июль куни соат 18.00;
- 17 августдаги савдо учун — 14 август куни соат 18.00;
- 31 августдаги савдо учун — 28 август куни соат 18.00;
- 15 сентябрдаги савдо учун — 11 сентябрь куни соат 18.00;
- 29 сентябрдаги савдо учун — 25 сентябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан кўчмас мулк учун тўловни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (0-371) 236-38-28. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

202R/02

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Тошкент шаҳар филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига «Sovplastital» АЖ кузатув кенгашининг 2014 йил 28 майдаги 14-сонли баённомаси ва 2014 йил 3 сентябрдаги 113/пр-сонли буйруғи ҳамда 2015 йил 5 февралдаги АМ-01/70-сонли буюртманомасига асосан, «Sovplastital» АЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Туроб Тўла кўчаси, «Бешёғоч» бозори ҳудудида жойлашган, ер майдони 47 кв.м., қурилиш майдони 44 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 56 101 470 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 2 март куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 27 февраль куни соат 18.00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2015 йил 2 март куни сотилмаган тақдирда, унинг такрорий савдолари 2015 йил 16, 30 март, 13, 27 апрель, 11, 25 май, 8, 22 июнь, 6, 20 июль, 3, 17, 31 август, 15, 29 сентябрь кунлари соат 12.00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш:

- 16 мартдаги савдо учун — 13 март куни соат 18.00;
- 30 мартдаги савдо учун — 27 март куни соат 18.00;
- 13 апрелдаги савдо учун — 10 апрель куни соат 18.00;
- 27 апрелдаги савдо учун — 24 апрель куни соат 18.00;
- 11 майдаги савдо учун — 8 май куни соат 18.00;
- 25 майдаги савдо учун — 22 май куни соат 18.00;
- 8 июндаги савдо учун — 5 июнь куни соат 18.00;
- 22 июндаги савдо учун — 19 июнь куни соат 18.00;
- 6 июлдаги савдо учун — 3 июль куни соат 18.00;
- 20 июлдаги савдо учун — 17 июль куни соат 18.00;
- 3 августдаги савдо учун — 31 июль куни соат 18.00;
- 17 августдаги савдо учун — 14 август куни соат 18.00;
- 31 августдаги савдо учун — 28 август куни соат 18.00;
- 15 сентябрдаги савдо учун — 11 сентябрь куни соат 18.00;
- 29 сентябрдаги савдо учун — 25 сентябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан кўчмас мулк учун тўловни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (0-371) 236-38-28. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

203R/02

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 31 ЯНВАРДАН 6 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

*I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 23 январдаги 01-02/8-06-сонли «Божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 391-1 (2015 йил 9 февралдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 2 февралдаги 5-сонли «Ўсимлик (пахта) ёғи учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2115-1 (2015 йил 9 февралдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 21 январдаги 3-сонли «Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-4 (2015 йил 9 февралдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2015 йил 29 январдаги 01/27-26/02, 87-сонли «Ташкиллаштирилган биржадан ташқари савдоларда кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1640-1 (2015 йил 9 февралдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 31 декабрдаги 01/27-26/30-сонли «Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (3-сон РХМС) «Кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2652 (2015 йил 9 февралдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2014 йил 30 декабрдаги 94-мҳ-сонли «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1830-1 (2015 йил 9 февралдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 7 январдаги 1-сонли «Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида кўрик далолатномаларини расмийлаштириш ва юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2653 (2015 йил 9 февралдан кучга кирди).**

*II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. «Ўсимлик (пахта) ёғи учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруқ *(рўйхат рақами 2115, 2010 йил 23 июнь). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2015 йил 3 февралдаги 35-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. «Ташкиллаштирилган биржадан ташқари савдоларда кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор *(рўйхат рақами 1640, 2006 йил 14 ноябрь). Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2015 йил 3 февралдаги 37-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

***Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.***

**ТАШКИЛОТ**

***қуйидаги турдаги ускуналарни етказиб бериш бўйича дастлабки танловни эълон қилади:***

- **технологик;**
- **электротехник;**
- **ёнғин хавфсизлиги;**
- **ўлчов-текширув.**

*Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уй, 3-қават, 55-хона. Тел./факс: (0-371) 241-27-61. E-mail: sueq@infoport.uz*

208A/126

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига «Sovplastital» АЖ кузатув кенгашининг 2013 йил 12 июлдаги 6-сонли йиғилиш қарори ва «Sovplastital» АЖнинг 2015 йил 5 февралдаги АМ-01/71-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-квартал, Катта Қаъни кўчаси, 35-«А» ва 35-«Б» уйларда жойлашган, умумий майдони 7636,0 кв.м. бўлган А, Б, В, Г, Д, Е, И, Ж блоклардан иборат бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 5 371 371 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 27 февраль куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 25 февраль куни соат 18.00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2015 йил 27 февраль куни сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 2015 йил 13, 27 март, 10, 24 апрель, 8, 22 май, 5, 19 июнь, 3, 17, 31 июль, 14, 28 август, 14 сентябрь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддатлари:

- 13 мартдаги савдо учун — 11 март;
- 27 мартдаги савдо учун — 25 март;
- 10 апрелдаги савдо учун — 8 апрель;
- 24 апрелдаги савдо учун — 22 апрель;
- 8 майдаги савдо учун — 6 май;
- 22 майдаги савдо учун — 20 май;
- 5 июндаги савдо учун — 3 июнь;
- 19 июндаги савдо учун — 17 июнь;
- 3 июлдаги савдо учун — 1 июль;
- 17 июлдаги савдо учун — 15 июль;
- 31 июлдаги савдо учун — 29 июль;
- 14 августдаги савдо учун — 12 август;
- 28 августдаги савдо учун — 26 август;
- 14 сентябрдаги савдо учун — 11 сентябрь кунлари соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, савдода тўлиқ ваколатли вакил иштирок этган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан кўчмас мулклар учун тўловни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-80-26. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

204R/02




"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки жамоаси Ташқи иқтисодий фаолият бошқармаси бошлиғи ўринбосари Улуғбек Усмоновга волидаи муҳтарамаси

**ЖОНОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.** 9.00 дан 18.00 гача **232-11-15, 236-09-25.** E-mail: reklama@xs.uz

02



НУКУСда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, соҳада юқори малакали мутахассислар тайёрлаш самарадорлигини оширишга бағишланган тадбир ўтказилди.

ЭҲТИРОМ

*Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллиги Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда кенг нишонланди.*

# МАЪНАВИЙ КОМИЛЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Шоир номи билан аталадиган Навоий вилоятида мазкур санага бағишланган тадбирлар чинакам байрамга айланиб кетди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти олимлари, талабалар иштирок этган “Ёшлар тарбиясида Алишер Навоийнинг маънавий мероси аҳамияти” мавзуидаги илмий-амалий анжуманда Ватан туйғуси, мамлакат ободлиги ҳақида дилтортар суҳбатлар бўлди. Йигит-қизлар шоир ғазалларидан намуналар ўқишди, театрлаштирилган томошалар намойиш қилинди.

* * *

Самарқандда Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғида шоир ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйилганидан сўнг, вилоятдаги олий ўқув юртлари олимлари ҳамда талабалар, адабиётшунослар, давлат ҳокимияти идоралари ва кенг жамоатчилик вакиллари Навоий таваллудига бағишланган байрам тадбирида иштирок этишди. Улар улуғ шоир ижоди ўзбек тили ва адабиётининг ривожида, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида беқиёс аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Шунингдек, Самарқанд давлат университетида буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллиги муносабати билан кўргазма очилди.

Ундан университет ўқитувчи ва талабаларининг шоир ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган 60 дан зиёд ижодий ишлари ўрин олган. Экспонатлар орасида рангтасвир, графика, амалий санъат ва ҳайкалтарошлик асарлари мавжуд.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси томонидан Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб “Мумтоз адабиётда маънавий тарбия” деб номланган адабий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессор-ўқитувчилари, тингловчи-курсантлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Маҳмуд Тоир, филология фанлари доктори, профессор Ҳасан Қудратуллаев ва бошқалар мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ҳамда юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш, улар қалбига ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ҳамда қадриятларимизга, аждодларимиз меросига ҳурмат туйғуларини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, буюк боболонларимизнинг ижоди шоир ва ёзувчилар, бастакор ҳамда хонандалар, мусаввирлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётир.

Тадбирда мутафаккир шоирларимизнинг ғазаллари, рубоийларидан намуналар ўқилди, куй-қўшиқлар ижро этилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Замонавий спорт инфратузилмаси

## ёшларимизнинг улкан ютуқларни қўлга киритишига хизмат қилмоқда



*Мустақиллик шарофати билан юртимиз ёшлари турли халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиб, истеъдод ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлашмоқда.*

ҒАМХЎРЛИК

Ўтган йилда ҳам ана шундай қувончли воқеаларга кўп бора гувоҳ бўлдик. Бир мисол: 2014 йилнинг декабрь ойида Нукус шаҳар 4-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Имамаддин Исмаилов ҳамда ҳудуддаги 23-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ихлос Оринбаев 2000 — 2007 йилларда туғилган болалар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича ташкил этилган халқаро турнирда қатнашди. Уларнинг қобилиятини хорижлик мутахассислар юқори баҳолади — Имамаддин олтин, Ихлос эса бронза медалини қўлга киритди.

Энди ўйлаб кўринг. Мустақилликка эришмасимиздан аввал ҳали мактабда ўқиб юрган бола ёки қизнинг олис давлатлардаги нуфузли турнирларда иштирок этиши тасаввуримизга сиғармиди?! Очиғи, буни хаёлимизга ҳам келтира олмасдик. Чунки ўша даврлардаги шарт-шароит бунга имкон бермасди. Истиқлол шарофати билан, Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли мамлакатимизда спорт, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, шаҳару қишлоқларимизда бир хил — бугунги замон талабларига мос спорт инфратузилмаси яратишга киришилди. 2002 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар изчиллигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Яъни ҳар йили ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан жойларда янгидан-янги спорт объектлари барпо қилиниб, фарзандларимиз ихтиёрига берилаяпти. Аниқ мақсадга йўналтирилган мана шундай чора-тадбирлар натижасида униб-ўсиб келаётган ёшларимиз ўз ҳаёти ва келажагини спорт билан боғламоқда.

— Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолият бошлаганидан буён Оролбўйида 129 та спорт иншооти ҳамда 18 та болалар мусиқа ва санъат мактаби бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди мазкур жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Адилбай Еримбетов. — Жумладан, биргина ўтган йилнинг ўзида 13 миллиард 770 миллион сўм эвазига битта болалар спорт мажмуаси, учта мусиқа ва санъат мактаби, бешта спорт зали қурилди. 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби капитал реконструкция қилинди. Улардаги имкониятлар бугунги замон талабларига тўла мос.

Минтақада қизлар спортини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Хусусан, энг олис овулларда ҳам бадиий гимнастика тўгараклари ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда икки мингдан ортиқ қиз шу спорт тури билан мунтазам шуғулланаётир.

Мухтасар айтганда, юртимизда ёшларнинг спортга бўлган иштиёқ ва қизиқишини қўллаб-қувватлаш учун барча имконият мавжуд. Бу уларнинг келажакда юксак марраларни эгаллаши учун пухта замин бўлиб хизмат қилади.




Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

КЎРГАЗМА

*Тошкент Фотосуратлар уйида навбатдаги кўргазма очилди. Экспозициядан жой олган суратлар муаллифлари мазкур муассаса қошида ташкил этилган ижодий мактаб-студия битирувчиларидир.*

# Суратларда юрт манзараси

Санъатшунослар, мусаввирлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашган ушбу кўргазмада ўн тўрт нафар ҳаваскорнинг юртимиз табиати, маданияти ва санъати акс этган икки юзга яқин ижодий ишлари намойиш қилинмоқда.

Таъкидланганидек, саккиз йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган мазкур ижодий мактаб-студияда фото санъатига қизиқувчи кўплаб истеъдодли ёшлар кашф этилаётир. Уларнинг амалий машғулотлардаги иштироки тенгдошлари ижоди билан яқиндан танишиш, тажриба алмашиш, шунингдек, кўргазмаларда қатнашиш имконини бераяпти.

**Моҳира АДИЗОВА.**

*Таиландда велоспорт бўйича давом этаётган Осиё чемпионатининг кўп кураш баҳсларида ҳамюртимиз Тимур Гумеров олтин медални қўлга киритди.*

# Ҳамюртимиз — Осиё чемпиони!

ВЕЛОСПОРТ

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизмати хабарига кўра, спортчимиз қитъа чемпионлиги билан бирга, 2016 йили Бразилияда ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун муҳим рейтинг очколарига ҳам эга бўлди.

Ёшлар ўртасидаги мусобақада яна бир юртдошимиз Дилмурод Сиддиқов бронза медаль билан тақдирланди.

# Ғолиблар аниқланди

*Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт мажмуасида дзюдо бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида мамлакат чемпионати бўлиб ўтди.*

ДЗЮДО

Қизиқарли ва муросасиз кечган баҳслар якунида Яҳё Имомов, Абдулла Тангриев, Бахтиёр Менглиев (Сурхондарё), Баҳром Иноятов, Ҳамиджон Мўминов, Фахриддин Шарипов (Тошкент шаҳри), Ғиёсжон Бобоев (Бухоро) ҳамда Шуҳратжон Арслонов (Тошкент вилояти) ўз вазн тоифасида ғолибликка эришди.

Хотин-қизлар ўртасида қорақалпоғистонлик Санам Эркинбоева, самарқандлик Нодира Гулова, сурхондарёлик Дилдора Убайдуллаева, Хоразм вилояти шарафини ҳимоя қилган Раҳима Йўлдошева, Турсунпошша Нурматова, Гулноза Матниёзова, Кумуш Йўлдошева ҳамда Тошкент шаҳридан Шоҳида Назарова биринчи ўринни эгаллади.



# Нуфузли мусобақага қуръа ташланди

*Хабарингиз бор, шу йилнинг 30 май — 20 июнь кунлари Янги Зеландия футбол бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига мезбонлик қилади.*

ФУТБОЛ

Ушбу мамлакатнинг Окленд шаҳрида нуфузли мусобақага қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра, Равшан Ҳайдаров бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси “F” гуруҳида Германия, Гондурас ҳамда Фижи Республикаси футболчилари билан куч синашади.

Шуни айтиш керакки, жаҳон чемпионатида 24 та терма жамоа бош соврин учун кураш олиб боради.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

Эълонлар

NBU

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки**

**миллий валютада янги муддатли омонатлар амалга киритилганлигини маълум қилади:**

*«Эъзоз»*

- Сақлаш муддати — 1 йил.
- Ҳисобланган фоизлар ҳар чорак якунида ёки омонат муддати тугагандан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализациясиз тўланади.
- Мижоз ихтиёрига кўра, омонат муддати тугаганидан сўнг уни кейинги муддатга чўздириш мумкин. Лекин бу муддат 3 йилдан ошмаслиги керак ва ҳар бир қўшимча узайтирилган йил учун фоиз ставкаси 1 фоиз миқдорида оширилади.
- Қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Омонат 50 ёш ва ундан катта ёшдаги кишилар учун мўлжалланган.
- Омонатга маблағ қабул қилиш 2015 йил 5 февралдан амалга оширилмоқда.

*«Ҳисобли»*

- Сақлаш муддати — 5 йил.
- Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда жисмоний шахс қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши учун олган кредитининг фоизини қоплаш учун йўналтирилади.
- Бошланғич бадал миқдори — 10 млн. сўм.
- Қўшимча бадаллар фақат нақд пул кўринишида қабул қилинади.
- Омонатга маблағ қабул қилиш 2015 йил 5 февралдан 1 октябрга қадар амалга оширилади.

***Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!***

**Қўшимча маълумотларни (0-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.**

**www.nbu.com** Хизматлар лицензияланган.

205А/75

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

*«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2015 йил 11 март куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Каттақўрғон тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:*

**1.** ФИБ Каттақўрғон туманлараро судининг 2014 йил 11 ноябрдаги 1-3212-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Каттақўрғон тумани, «Пайшанба» ШФЙ, Ҳусан Ниёзий кўчаси, 1-уйда жойлашган, ер майдони 1590 кв.м., фойдаланиш майдони 478,08 кв.м., қурилиш ости майдони 529,95 кв.м. бўлган ошхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 237 500 000 сўм.***

**2.** ФИБ Каттақўрғон туманлараро судининг 2014 йил 11 ноябрдаги 1-3239-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Каттақўрғон тумани, «Пайшанба» ШФЙ, Х. Аббосов кўчасида жойлашган, ер майдони 600 кв.м., фойдаланиш майдони 94,77 кв.м., қурилиш ости майдони 293,62 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (0-366) 234-06-38.**

Хизматлар лицензияланган.

196А/34

***Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!***

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 28 январдаги 3а-сонли буйруғига асосан,**

**«Global savdo fayz Buxara» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдоларига «Қоровулбозор нефтгаз ишчилар таъминоти» МЧЖнинг 64,01 фоиз давлат улуши қўйилмоқда.

**Номинал қиймати** — 1 562 706 801 (бир миллиард беш юз олтмиш икки миллион етти юз олти минг саккиз юз бир) сўм.

**Устав фондига нисбатан фоиз ҳисобида** — 64,01%.

*Аукцион савдоси 2015 йил 12 март куни соат 11.00 да ўтказилади.*

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари эълон чоп этилган санадан бошлаб олти ой ичида ўн иш кунида бир марта даврийликда бўлиб ўтади (26.03.2015 й., 8.04.2015 й., 22.04.2015 й., 6.05.2015 й., 20.05.2015 й., 3.06.2015 й., 17.06.2015 й., 29.06.2015 й., 15.07.2015 й., 29.07.2015 й.).

Аукцион савдолари натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади. Талабгорлар давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: «Global savdo fayz Buxara» МЧЖ: 20208000405017774001, СТИР: 302485226, МФО: 00116, Давлат-тижорат Халқ банки Бухоро вилояти амалиёт бўлими (Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй) www.gsfbs.gl.uz Телефон: (+99891) 444-55-77.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш эълон чоп этилган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш истагидаги талабгор ёки унинг вакили савдо ташкилотчисига буюртманомани аукцион тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

**Мурожаат учун манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.**
**Маълумот учун телефонлар: (0-365) 221-54-43, 960-69-00. Факс: (0-365) 221-54-43.**
**Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz, www.buxgkk.uz**

**Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!**

Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

***Савдоларга марҳамат қилинг!***

Гувоҳнома № 000034.

206А/132

WWW.XS.UZ

САМАРҚАНД давлат университети олимлари томонидан истиқлол йилларида 100 дан ортиқ илмий ишланмалар яратилиб, амалиётга жорий қилинди, 160 га яқин патент ва муаллифлик гувоҳномалари олинди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 150 629 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5